



ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЖИНОИЙ- ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Homidova Rayxona Orif qizi

Huquqni muhofaza qilish akademiyasi 2 bosqich magistratura
tinglovchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17802247>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-noyabr 2025 yil
Ma'qullandi: 28- noyabr 2025 yil
Nashr qilindi: 30- noyabr 2025 yil

KEY WORDS

оилавий зўравонлик, маиший
зўравонлик, жиноий-ҳуқуқий
механизмлар, ҳимоя ордери.

ABSTRACT

Оилавий зўравонлик кўп омилли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг келиб чиқиши индивидуал, психологик, ижтимоий ва маданий омиллар ўзаро таъсирининг мураккаб тизими билан белгиланади. Бугунги кунда оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, оила аъзолари, айниқса болаларнинг жисмоний ва руҳий дахлсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан оилага қарши жиноятларни самарали тартибга солиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида жиноий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада оилавий (маиший) зўравонликнинг ҳуқуқий табиати, уни барвақт аниқлаш, профилактика чораларини қўллаш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш масалалари илмий асосда таҳлил қилинади.

Бугунги глобал ривожланиш шароитида оиланинг барқарорлигини таъминлаш масаласи дунё ҳамжамияти томонидан ҳар бир давлатнинг генетик салоҳияти ва демографик барқарорлигини оширишда ҳал қилувчи омил сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, миллий генофонд мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини таъминлашда, шунингдек, унинг муҳофаза қобилятини мустаҳкамлашда стратегик аҳамиятга эга бўлган таркибий қисми ҳисобланади. Оила институтидаги психологик ва ижтимоий муҳит эса, ўз навбатида, унда шаклланиб вояга етаетган авлоднинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланиши учун зарур омилларни белгилайди ҳамда юрт келажаги бўлган потенциал кадрларни тайёрлашнинг асосий пойдеворини ташкил этади.

Мамлакатимиз тарихида оила жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, уни ҳаракатга келтирувчи қудратли маънавий ўчоғи сифатида шаклланиб келган. У инсон камолотининг энг муҳим бўғини, элимизнинг гўзал урф-одатлари ҳамда қадриятларини ўзида сақлайдиган муқаддас ва мўъжаз маскан ҳисобланган. Тарихий, илмий-назарий, ҳаётий нуқтаи назардан аҳамият қаратилганда оиланинг маънавий пойдеворини эса оилавий миллий, умуминсоний анъана, қадриятлар билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, Оила – меҳр ва бахт қўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний қадр-қиммат ва маънавият бор. Оилавий бахт бу – энг улуғ саодатдир. Машхур қўшиқлардан бирида айтилганидек, “Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир”. Мен азиз йигит-қизларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: турмуш қуришга, оилага, фарзанд тақдирига ниҳоятда чуқур масъулият билан қаранг. Бу масалага юзаки ёндашиб, ҳам ўзингиз, ҳам ўзга бир инсон ҳаётини хавф остига қўйманг”¹.

Шунингдек, БМТ нинг 1989-йил 20-ноябрдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” ги конвенциясига мувофиқ “болаларга нисбатан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик) биринчи навбатда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоғи лозим” лиги алоҳида қайд этилган².

БМТнинг турли йилларда эълон қилинган аналитик ҳисоботларида таъкидланишича, оила муҳотида жиноятлар содир этилишига замин яратаётган асосий омиллар қаторида, аввало, қариндошлик алоқалари билан бирлашган субъектлар ўртасидаги ички назоратнинг етарли даражада амал қилмаслиги, оила ва унинг аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг тегишли даражада кафолатланмагани кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, оила доирасида зўравонлик ортида турган шахснинг аниқланиши ва фош этилишига доир маълумотлар латентлигининг юқори даражада эканлиги, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг статистик ҳисобини ҳамда уларнинг илдиз омилларини тўлиқ аниқлаш имкониятини чеклаб қўяди. Бу эса, ўз навбатида, оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш механизмлари, унинг жинсий-ҳуқуқий ва криминологик хусусиятларини чуқур илмий таҳлил этиш заруратини янада оширувчи омил сифатида намоён бўлади³.

2019-йилда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун оилавий зўравонликка қарши кураш соҳасида мамлакат ҳуқуқий тизимини институционал ва моддий-ҳуқуқий жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши нафақат мавжуд нормаларни янгича мазмунда қайта кўриб чиқишни, балки оила институтини ҳимоя қилишда профилактика, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва жавобгарлик чоралари ўртасидаги ўзаро уйғунликни таъминлашни ҳам назарда тутди. Қонуннинг муҳим аҳамияти шундаки, у орқали Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишлар оилавий зўравонликка доир ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий квалификациясини аниқлаштиради, уларнинг таркибий белгиларига ойдинлик киритди ва жазонинг муқаррарлиги ва қатъийлигини таъминлашга қаратилган механизмларни кучайтиради.

Жумладан, зўравонликнинг айрим шакллари (бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкка ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг

¹ <https://qalampir.uz/uz/news/prezident-yeshlarga-turmush-k-urishga-oilaga-farzand-tak-diriga-ni%D2%B3oyatda-chuk-ur-mas-uliyat-bilan-k-arang-34498>

² https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml

³ <https://www.un.org/ru/observances/parents-day>

шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш) илк марта юридик жиҳатдан мустақил ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилди, шунингдек такрорий ва системали зўравонлик учун жавобгарлик даражаси оширилди.

Хусусан, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2023 йил 11 апрелда имзоланган **“Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”** ги Қонун хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадамдир⁴. Ушбу Қонун қабул қилиниши натижасида амалдаги миллий қонунчилик тизимига биринчи марта “оилавий (маиший) зўравонлик” атамаси ҳуқуқий категория сифатида киритилди. Бу эса оилавий муносабатлар доирасида содир этиладиган зўравонлик хатти-ҳаракатларининг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ идентификация қилинишини ва уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мутаносиб тартибда жавобгарлик масаласининг белгиланишини таъминлади. Қонун қабул қилиниши билан бир қаторда, тегишли соҳа қонунчилигини изчил уйғунлаштириш мақсадида 5 та кодекс ва 10 та қонунга комплекс тарзда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ўзгартиришлар оила ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли ёндашувни шакллантириб, зўравонликнинг профилактикаси, аниқланиши, ҳужжатлаштирилиши ҳамда унга ҳуқуқий баҳо берилиши механизмларини институционал даражада мустаҳкамлади.

Оилавий (маиший) зўравонлик деганда оила аъзосининг бошқа бир оила аъзосига нисбатан унинг ҳуқуқларини, эркинликларини ёки қонуний манфаатларини бузадиган жисмоний (соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлигига тажовуз қиладиган ғайриқонуний ҳаракатлар) ва рухий (шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни шахсий, мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишни чеклаш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, мулкига шикаст етказиш, нобуд қилиш, ҳаёти ёхуд соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш) ва албатта иқтисодий (мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишини чеклашга олиб келадиган, мол мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) хатти-ҳаракатни содир этилиши тушунилиши лозим.

Бу қисимнинг энг сўнги тури бўйича қўрқитишга таъриф берадиган бўлсак, қарама-қарши томонга қарши қилинган ёки амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай тўғридан-тўғри ёки билвосита таҳдидлар, зўрлик ишлатиш ёхуд зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш тушунилиши керак⁵.

Бу турдаги жиноятлар, оиладаги аъзоларга нисбатан жисмоний зўравонлик кўрсатишни ўзичига олади. Масалан, турмуш ўртоғига ёки болаларга нисбатан

⁴ <https://yuz.uz/news/oilaviy-va-maishiy-zoravonlikka-barham-berishga-qaratilgan-yangi-qonun-samarasi-bir-yildanimalar-ozgardi>.

⁵ М. Rustambayev O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga sharhlar. Maxsus qism/. Toshkent: «Yuridik adabiyotlar publish, 2024. 76 b

жисмоний тажовуз. Бу ҳолат бўйича Жиноят кодексининг 126¹-моддасида оилавий (маиший) зўравонлик деб аталган алоҳида модда билан тартибга солинади. Оилавий (маиший) жисмоний зўравонлик деб кундалик биргаликдаги ҳаёт (турмуш) да оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлигига тажовуз қиладиган ғайриқонуний ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Статистик маълумотларга қараганда, оиладаги зўравонлик бу ижтимоий жараён бўлиб, ҳар тўртинчи оилада у ёки бу кўринишда намоён бўлади. Болаларимиз, аёлларимиз, қарияларимиз ва ногиронлиги бўлган шахслар мазкур жиноятдан энг кўп азият чекадиган тоифадир. Тадқиқотларга кўра, оиладаги зўравонликка учраган аёлларнинг 60-70 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайди⁶.

Оилавий зўравонликнинг жамиятда маълум даражада “нормал” ёки “одатий” ҳолат сифатида қабул қилиниши унинг тарихи-ижтимоий илдизлари, маданий стереотиплар ва патриархал ижтимоий тузилмалар билан узвий боғлиқдир. Бундай назарий ёндашув феминист криминология ва гендер социологиясида «норматив зўравонлик маданияти» деб аталиб, зўравонликнинг индивидуал ҳаракат эмас, балки ижтимоий жараён эканлигини кўрсатади.

Мисол учун, 2025-йилнинг биринчи ярмида Қашқадарё вилоятида 2484 нафар шахсга нисбатан 1959 та жиноят иши кўрилди. Ўзбекистон Жиноят кодексининг 126¹-моддасига асосан оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар сони 50 тагача бўлиб, 2024 йилга нисбатан бу кўрсаткичда ошиш қайд этилди. Жиноят содир этганларни асосан эркаклар (47 нафар), 31-59 ёшли шахслар (42 нафар) ташкил этади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича 2025 йилнинг биринчи ярмида 21,475 та иш кўрилди. Уларнинг 676 таси (3,1%) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддасига тегишли бўлиб, бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 36 фоизга камайган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг катта қисми эркаклар (88,1%) ва 31-59 ёшлилар (96,2%). Оилавий зўравонлик жиноятининг 859 таси ёки 97,4 фоизи қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш, 1 таси меҳнатга оид ҳуқуқини амалга ошириш орқали содир этилади.

Оилавий зўравонлик содир этилган жой Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини судларда кўриш амалиёти 13 та тўсқинлик қилиш, 1 таси кўрқитиш, 18 таси шаън ва қадр-қимматни таҳқирлаш ва 3 таси дўппослаш шаклида содир этилган. Мазкур жиноятларнинг 739 таси ёки 83,3 фоизи жисмоний куч ишлатилиб, 123 таси ёки 13,9 фоизи қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни ишлатиб (аксарият ҳолларда ошхона пичоғидан фойдаланилган), 20 таси ёки 2,3 фоизи жабрланувчи билан фақат вербал мулоқотда бўлиб содир этилган. 16 та жиноят вояга етмаган фарзандлар олдида содир этилган⁷.

Оилавий (маиший) зўравонлик феноменининг ўзи табиатан хавfli, травматик ва деструктив моҳиятга эга бўлгани учун, оиладаги зўравонлик қурбонлари зўравонлик эпизодлари тугаганидан кейин ҳам узоқ давр давомида депрессия, кўрқув, хавотир ва

⁶ <https://navoiy.sud.uz/%D0%BE%D0%B8%D0%BB%D0%B0%D0%B2%D0%B8%D0%B9->

⁷ https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2025-03/gbv_crime_uzb.pdf

эмоционал беқарорлик ҳолатларини бошдан кечириши таъбир жоиз бўлса, психологик нуқтаи назардан қонуний ҳолдир. Зўравонлик акти инсон ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний яхлитлиги учун реал ва бевосита хавф туғдирувчи омил бўлиб, у организмда “табиатан кўрқув” реакциясини ишга туширади ва узоқ муддатли психологик оқибатларга сабаб бўлади.

Тадқиқотчи Н. Ажгихина оилавий зўравонликни “яқин инсон устидан назоратни қўлга киритиш, ҳукмронлик ўрнатиш ва уни бўйсундириш мақсадида тизимли равишда такрорланиб борадиган жисмоний, жинсий, оғзаки, ҳиссий ва иқтисодий таъқиб цикли” сифатида тавсифлайди. Унинг таъкидлашича, бундай зўравонлик тури инсоннинг жамиятдаги социаль мавқеи, моддий имконияти, касбий статуси ёки ижтимоий капиталидан қатъи назар, деярли барча ижтимоий гуруҳларда учрайди⁸.

БМТ нинг Гендер масалалари бўйича гуруҳи ташаббуси билан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, аёлларнинг 90,7 фоизи оиладаги зўравонлик муаммосини жамият учун алоҳида долзарб ва оғриқли муаммо сифатида баҳолаган⁹. Бу кўрсаткич оилавий зўравонликнинг оммавийлиги, гендер тенглигига таҳдид солувчи омил сифатида унинг илдизлари ва сабабларини чуқур ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Психолог-олимлар Э.Г. Эйдемиллер ва В. Юстикислар оилавий зўравонлик ва дисфункционал оилаларни ўрганишда шундай хулосага келишганки: муносабатлари издан чиққан оилалар ички қарама-қаршилик ва низоларни мустақил равишда ҳал қилиш қобилиятидан маҳрум бўлади. Низоларнинг узоқ давом этиши натижасида оила аъзоларининг ижтимоий-психологик мослашуви заифлашади, ўзаро ҳамкорлик қобилияти йўқолади, бу эса оиладаги психологик кескинлик даражасининг ортишига олиб келади. Кескинликнинг юқори бўлиши ўз навбатида аъзоларда эмоционал бузилишлар, невротик реакциялар, доимий хавотир, болаларда эса психологик ноаниқлик ва хавфсиралиш ҳолатлари юзага келишига сабаб бўлади.

Хусусан, Facebook, Telegram каби оммавий ижтимоий тармоқлар, YouTube видеохостинги, шунингдек, Ўзбекистонда зўравонликка қарши кураш бўйича фаолият юритувчи мустақил ахборот лойиҳаси ҳисобланган NeMolchi.uz (Sukut Saqlama) платформасида оилавий (маиший) зўравонлик оқибатида ҳалок бўлган аёллар, турмуш ўртоқлари томонидан доимий равишда таҳқирланиб келинаётган, оғир даражада тан жароҳати олган аёллар ҳақида мунтазам равишда маълумотлар эълон қилинмоқда. Бундай ахборотлар тарқалиши ушбу муаммонинг оммавий ахборот маконида қай даражада долзарб эканлигини кўрсатиб, жамият ва давлат органларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари самарадорлигини ошириш заруратини янада кучайтирмоқда.

2023 йил 28 июль куни Фарғона шаҳрида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан оилавий зўравонлик ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, нутқларида мамлакатда 20 мингга яқин аёл оилавий

⁸ Ажгихина Н. Кто защищает женщин. – Москва, 1996.

⁹ Выживание (факторы и механизмы): Учеб. пособие / С.К. Бондырева, Д.В. Колесов. – Москва: Изд-во Московского психолого-социального института; – Воронеж: изд-во НПО «МОДЭК», 2005. – 368 с.

зўравонликдан жабр кўргани қайд этилди¹⁰. Бу рақамлар мавжуд муаммонинг кенг кўламли эканлигини ва тизимли чора-тадбирлар кўришни тақазо этаётганини намоён этади.

Шунга мувофиқ, республикамизда оилавий (маиший) зўравонлик ҳолатларини барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, уларнинг олдини олиш ҳамда мазкур иллатга қарши тизимли кураш олиб бориш мақсадида қатор вазифалар белгиланган. Жумладан:

оилани ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш;

масъулиятли оналик ва оталикни шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

меҳнат муносабатлари ва оилавий мажбуриятларни бажаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг имкониятлар ҳамда тенг ҳуқуқларни таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш;

зўравонликдан жабрланган аёллар учун махсус «Колл-марказлар» фаолиятини йўлга қўйиш;

ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш тизимини яхшилаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ушбу жараёнга кенг жалб этиш¹¹.

Ўзбекистон Республикасида оилавий (маиший) зўравонликка қарши кураш соҳасида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар ушбу ҳодисани мустақил ҳуқуқбузарлик сифатида тартибга солишга қаратилган изчил норматив асосларнинг шаклланишидан далолат беради. Миллий қонунчиликда “оилавий (маиший) зўравонлик” тушунчасининг ҳуқуқий таърифининг мустаҳкамланиши ва унинг жисмоний, жинсий, руҳий, маънавий ҳамда иқтисодий шаклларга ажратилиши мазкур ҳодисага комплекс ёндашувни таъминлади.

Маъмурий ва жиноий жавобгарлик институтларининг қайта кўриб чиқилиши, хусусан муҳофаза ордери механизмининг жорий этилиши зоравонликнинг олдини олиш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий воситасига айланди. Шунингдек, болаларга нисбатан жинсий ва маънавий зўравонлик учун жавобгарликнинг кучайтирилиши инсоннинг шаъни, кадр-қиммати ва дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатининг устуворлиги билан уйғунлашади.

Хулоса қилиб айтганда, оилавий (маиший) зўравонликка қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий механизмларининг ривожланиши нафақат шахсий хавфсизликни таъминлаш, балки жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва оила институтининг барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур йўналишда норматив-ҳуқуқий базанинг янада такомиллаштирилиши илмий-амалий жиҳатдан долзарб бўлиб қолмоқда.

¹⁰ Фарғона шаҳрида Президент Ш.Мирзиёев раислигида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши. <https://kun.uz/news/2023/07/28/prezident-oilaviy-zoravonlik-holatlariga-etibor-qaratdi>.

¹¹ Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16- 20

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фарғона шаҳрида Президент Ш.Мирзиеёв раислигида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши. <https://kun.uz/news/2023/07/28/prezident-oilaviy-zoravonlik-holatlariga-etibor-qaratdi>.
- 2.
3. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml
4. <https://www.un.org/ru/observances/parents-day>
5. <https://qalampir.uz/uz/news/prezident-yeshlarga-turmush-k-urishga-oilaga-farzand-tak-diriga-ni%D2%B3oyatda-chuk-ur-mas-uliyat-bilan-k-arang-34498>
6. <https://yuz.uz/news/oilaviy-va-maishiy-zoravonlikka-barham-berishga-qaratilgan-yangi-qonun-samarasi-bir-yilda-nimalar-ozgardi>.
7. М. Rustambayev O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga sharhlar. Maxsus qism/. Toshkent: «Yuridik adabiyotlar publish, 2024. 76 b
8. <https://navoiy.sud.uz/%D0%BE%D0%B8%D0%BB%D0%B0%D0%B2%D0%B8%D0%B9->
9. https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2025-03/gbv_crime_uzb.pdf
10. Ажгихина Н. Кто защищает женщин. – Москва, 1996
11. Выживание (факторы и механизмы): Учеб. пособие / С.К. Бондырева, Д.В. Колесов. – Москва: Изд-во Московского психолого-социального института; – Воронеж: изд-во НПО «МОДЭК», 2005. – 368 с.
12. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20..